

## ТАБОТАБОЙ ИЛМИЙ-ФАЛСАФИЙ МЕРОСИ ТАСНИФИ

*Алланазаров Мухиддин Хайитович  
КарМИИ Ёшлар билан ишилаши бўйича декан ўринбосари*

**Калит сўзлар:** гуманизм, Тавхид, Куръон, тафсир, фалсафа, дин, эътиқод, ахлоқ.

**Ключевые слова:** гуманизм, монотеизм, Коран, интерпретация, философия, религия, вера, этика.

**Key words:** humanism, monotheism, Qur'an, interpretation, philosophy, religion, belief, ethics.

Аллома Таботабоий маънавий мероси залворли ва илм фанда ўзига хос аҳамиятга эга. Аслида, ҳеч бир файласуфнинг дунёқараши ёки фалсафаси ўз-ўзидан вужудга келмайди. Унга ё муҳит, ёки жамиятдаги ўзгаришлар таъсир кўрсатади. Аллома Таботабоий ижодида ҳам шу жиҳатларни кўришимиз мумкин. У яшаган давр ўта мураккаб вазиятларга бой эди. Эронда Шоҳ хукуматига қарши инқилоб шаклланди ва у муаффақият билан амалга оширилди. Аллома Таботабоий ижодига бу воқеалар қайсиdir маънода тасир кўрсатди ва бу жараёнлар боришида ҳам унинг ўзига хос ўрни бор, албатта. Таботабоий маънавий мероси жамият ҳаёти, дин ва фалсафа билан чамбарчас боғлиқ. У фалсафий асарларида борлик, жамият ва билиш муаммоларини кўтариб чиқди ва уларга нисбатан ўз қарашларини илгари сурди.

Аллома Таботабоий оғир иқтисодий қийинчиликлар бошланганидан сўнг 1920-йилларда Нажафи ашрафдан Табризга келади ва 10 йил давомида Табриз шаҳрида талабаларга дарс бериш, тадқиқотлар олиб бориш ва асарлар ёзиш билан шуғулланади. Бу давр Аллома ижодида муҳим давр бўлди, десак муболаға бўлмайди. Чунки алломанинг “Тавхид”, “Инсон”, “Васоид” (воситалар) ва “Вилоят” (илоҳий хукумат, худо ҳокимлиги) номли китоб ва рисолалари айнан ана шу ерда ёзилди.<sup>1</sup>

Аллома Таботабоийнинг ривоятлар ва ҳадислар, уларнинг Куръони карим тафсиридаги ўрни ва аҳамияти тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари “Баҳси Равоий” (ривоятлар масаласи) китобидан жой олган. Таботабоий Муҳаммад (с.а.в) пайғамбар авлодлари фиқҳи билан ҳам шуғулланган.

Кейинчалик, Таботабоий Қум Олий мадрасасига дарс бериш учун боради ва ушбу ўкув юрти талабалари учун фалсафадан турли курслар ўтади, жумладан,

<sup>1</sup> biography-of -allameh tabatabai <http://english.turkcebilgi.com>

“Асфор” ва “Шифо” асарларидан дарс беради. Ҳатто, сўнгги йилларда мадрасадан ташқарида, баъзи талабалар учун бир курс фалсафадан хусусий равиша дарс беради ва ушбу хусусий дарслар натижаси ўлароқ, ушбу дарсларда баён ва муҳокама қилинган мавзу ва масалаларни тўплаб “Бидоятул-ҳикма” ва “Ниҳоятул-ҳикма” номли икки китобни тайёрлаб, чоп эттирди.

Аллома Таботабоий томонидан Қум олий мадрасасининг дастурида топилган камчиликлардан бири Қуръон тафсири таълими борасидаги камчилик ва фалсафа таълимида ҳам бир талай камчиликлар эди. Таботабоий бу ерда фалсафа ва тафсирдан дарс беради. Бу даврда фалсафа фанига катта эътибор берилмас эди. Таботабоий фалсафа фанини талабаларга ўргатиш борасида бошлиган ҳаракатини тўхтатиб қўйишга қаратилган бир неча уринишлар амалга ошиди. Бунга асосан диний **уламолар** бошчилик қилишган. Аммо Таботабоий Оятуллоҳ Буружердийнинг (Қум олий мадрасасининг бошлиғи) қўллаб-кувватлаши билан Қум мадрасасида фалсафа таълимини саклаб қолади.

Аллома Таботабоий шерият бобида ҳам истедодли шоирлардан бўлган. У Араб шеъриятида Ибн Форизнинг шеърлари, хусусан унинг “Назмуз-сулук” (Сулук шеърлари), деб номланувчи шеърлар тўпламига қизиқкан. Форсий шеъриятда Ҳожа Ҳофиз Шерозий “Девон”ини улуғлаган. Алломанинг шоирлик истеъоди ҳам бўлиб, завқ-шавқ ва роҳатланиш билан бирга келадиган, ҳамда ишқ ва иштиёққа тўла мазмунли ирфоний ғазаллар ёзган. Наъмуна сифатида шеърларидан бир тўртлик келтирамиз:

Мехр-э хубон дел-ў дин аз ҳаме бепарво бўрд,

Рух-э шатранж набўрд, онче рух-э зибо бўрд.

Ту мапандор-ке Мажнун сар-э хўд Мажнун гашт,

Аз Самак то бе сухояш кешеш-э Лайло бўрд...

(Таржимаси: Яхшиларнинг меҳри шаксиз барчанинг қалбини забт этиб, дин-у дилдан айирди;

Гўзал бир юз олиб кетган нарсани шоҳмотнинг “руҳ”и ҳам олиб кетолмасди,

Сен Мажнун ўз-ўзидан Мажнун бўлган деб ўйлама,

Уни ердан осмонга Лайлининг ишқи олиб кетди...).<sup>2</sup>

Аллома Таботабоий машхур асари “Ал-Мезон” тафсир китобидан ташқари яъна кўплаб асарлар ёзиб қолдирган. Алломанинг муҳим асарларидан бири “Тавҳид” (Худонинг ягоналиги) китоби бўлиб, у “Тавҳид тўғрисида рисола”,

<sup>2</sup>Аллома Таботабоий ҳаёти, фаолияти, таълимоти. (Аликулов Ҳ. умумий таҳрири остида). –Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, –2006. –Б.57.

“Худонинг исмлари тўғрисида рисола” ва “Худонинг сифатлари тўғрисида рисола” деб номланувчи уч рисолани ўз ичига олган. Ушбу китоб “Васоит” (Воситалар) рисоласи ҳамда “Ал-инсон қабл-ад-дунё” (Инсон тўғрисида, дунёга келишидан олдин), “Ал-инсон фид-дунё” (Инсон ҳаётлик чоғида) ва “Ал-инсон баъд-ад-дунё” (Инсон ўлимидан сўнг), деб номланувчи уч рисолани ўз ичига олган “Инсон” китоби билан биргалиқда бир бутун асар сифатида жамлаштирилиб, “Ҳафт рисола” (етти рисола) номи билан машҳур бўлди.

Бундан ташқари, Аллома Таботабоийнинг инсоннинг бу дунёдан ўтганидан кейинги даврига бағишлиланган “Ал-вилоят” ҳамда пайғамбарлик ва имомликка бағишлиланган “Ан-набавия вал-имомат” рисолалари ҳам мавжуд. Лекин юқорида эслатиб ўтилган ушбу тўққиз рисоланинг барчаси араб тилида ёзилган бўлиб, улар ҳалигача чоп этилмаган.

Алломанинг “Исломда Қуръон”, “Вахий, ёки сирли шуур” ва “Исломда шиалик” китобларида ислом дини, Қуръони карим ва исломдаги шиалик мазҳаби тўғрисида умумий маълумотлар берилган.

Аллома Таботабоий қаламига мансуб асарлар сифатида чоп этилган “Шиа китоби” ва “Шиа мазҳаби бугунги дунёда” китобларида алломанинг Сарбон университети профессори Анри Карбон билан амалга оширган сұхбатлари жамланган.

Булардан ташқари, Таботабоийнинг форс тилида ёзилган “Исломий ибодатлар”, “Ислом ва бугунги дунё кишиси” ва “Исломда ҳокимият” асарлари, ҳамда араб тилида ёзилган “Ал-ҳукумат фил-ислом” (Исломда ҳокимият), “Иъжоз” (Мўъжизалар тўғрисида рисола) ва “Алийю вал-фалсафатул-илаҳийяти” (Али ва илоҳиёт фалсафаси) китоблари машҳурдир. Алломанинг ислом файласуфларидан ҳисобланган Мулло Садро қаламига мансуб “Асфори арбаъа” китобига ҳамда “Кифоятул-усул” номли асарга ёзган шарҳлари ҳам унинг асарлари жумласига киради.

Аллома Таботабоийнинг асарларидан яна бири “Сунанун-набий” (Пайғамбар суннатлари) бўлиб, замона фозилларидан бири ҳисобланган Ҳожи Шайх Ҳоди Фақиҳий томонидан тўлдиришлар ва қўшимчалар билан чоп этилган.

Аллома Сайид Муҳаммад Ҳусайн Таботабоий ёзган асарларнинг мавзуи ва қисқача таснифи қуйидагича:

1. “Ал-Мезон” тафсир китоби.

Куръони карим тафсирига бағишлиланган ушбу асар энциклопедик қимматга эга бўлиб, оятларни тафсир этишда фалсафий, ижтимоий, тарихий ҳамда ривоятлар ва эътиқодларга оид масалалардан кенг фойдаланилган. “Ал-Мезон” асаридаги тафсир услуби оятларни оятлар билан тафсир қилишдир.

2. “Бидоятул-хикма” (Бошлангич фалсафа, фалсафа асослари, фалсафага кириш).

Бу китоб Шаҳид Қудусийнинг илтимосига кўра, Қум шаҳридаги “Ҳаққоний” мадрасаси талабаларига фалсафадан умумий, қисқача бир курс ўтиш учун ўқув кўлланмаси сифатида ёзилган.

3. “Ниҳоятул-хикма” (Тўлиқ фалсафа курси).

Бу китоб тўлиқ фалсафа курсини ўташни истовчилар учун ёзилган бўлиб, унда фалсафа масалалари кенг ва чукур тарзда акс эттирилган. Шу кунгача ушбу асарга ўнлаб шарҳлар ва изоҳлар ёзилган бўлиб, у бир неча бор, бир қанча тилларга таржима қилинган.

4. “Усуле фалсафа ва равише реалисм” (Фалсафа асослари ва реализм услуби).

Аллома Таботабоийнинг фалсафий қарашлари ҳамда замон ва макон эҳтиёжларидан қелиб чиқиб ёзилган бу асар ўша даврларда Эронда тарқала бошлаган материализмнинг олдини олишга қаратилгандир. Ушбу китобда реализм ва идеализм, илм ва идрок, қадим ва худус (азалдан мавжуд бўлган нарсалар ва кейинчалик яратилган нарсалар), Худонинг бирлиги ва кўплик олами, Худо ва унинг камолоти, қазо ва қадар ва бошқа кўплаб масалалар таҳлил қилинган. Алломанинг асосий фалсафага доир китоби “Усуле фалсафа ва равише реалисм” асаридир.

5. “Кифоя” асарига шарҳлар.

6. “Шиа дар ислом” (Исломда шиалик).

Ушбу китобда шиалик назарияси ва амалиёти тўғрисида батафсил маълумотлар содда тилда берилган. Унда шиаликнинг вужудга келиши, унинг турли оқимлари, ўн икки имом борасидаги эътиқодлар, яккахудолик, пайғамбарлик ва бошқалар тўғрисида фикр-мулоҳаза юритилган. Бу китоб инглиз тилига ҳам таржима қилинган.

7. “Мажмуати музокирот бо прўфесур Ҳонри Карбўн” (Професор Ҳенри Карбон билан сухбатлар тўплами).

Бу китобда Аллома Таботабоийнинг Франциянинг Сарбон университети профессори Ҳенри Карбон билан амалга оширган сұхбатлари матни жамланган. Ушбу сұхбатларда шиаликнинг вужудға келиш тарихи, қалом, тафсир ва фалсафа илмлари, шиалик ва тасаввуф ўртасидаги муносабат, Худонинг бирлиги ва сифатлари, қазо ва қадар ва бошқа масалалар түғрисида фикр юритилған.

8. “Хулосайи таолими исломий” (Ислом таълимоти борасида умумий сабоқлар).

Ушбу китобда дин, эътиқод, ахлоқ, Худони таниш, Худонинг сифатлари, пайғамбарлар, ислом пайғамбари ҳәёти, дин аҳкомлари ва фарзлари түғрисида маълумотлар берилған.

9. “Равобити ижтимойи дар ислом” (Исломда ижтимоий муносабатлар).

Инсон ва жамият, инсон ва унинг ижтимоий ривожланиши, ижтимоий ҳаёт асоси, исломда әркинлик, ислом олами чегаралари ва шу кабилар ушбу китобнинг асосий мавзулари ҳисобланади.

10. “Ақойид ва дастурхойи диний” (Диний ақидалар ва күрсатмалар).

Мазкур китоб ислом дини эътиқодлари ва күрсатмаларидан иборат. Дин тушунчаси, Худо билан унинг яратғанлари ўртасидаги боғлиқлик, динлар тарихи, пайғамбарлар, ислом пайғамбарининг ҳәёти ва фаолияти, шиалик имомлари, шахсий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлған ахлоқий масалалар, фикҳга оид масалалар ва ҳоказолар ушбу китобда кўриб ўтилған асосий мавзулардан ҳисобланади.

11. “Баррасиҳойи исломий” (Исломий тадқиқотлар).

Аллома Таботабоийнинг исломнинг турли йўналиш ва мавзуларида олиб борган илмий тадқиқотлари натижасида юзага келган мақолалар тўпламидан иборат бўлиб, уч жилдда чоп этилган ушбу асар энциклопедик қимматга ва аҳамиятга эгадир.

12. “Омузиши дин” (Дин таълими).

Ўрта мактаб ўқувчилари учун ёзилған ва жами ўн етти дарс учун тузилған материаллардан иборат бўлған ушбу қўлланмада яккахудолик, пайғамбарлик, имомлик, адолат ва нариги дунё түғрисидаги умумий маълумотлар берилған. Шунингдек, мазкур қўлланмада ислом аҳкомлари ва исломий одоб-ахлоқ коидалари ёш болалар учун тушунарли тарзда баён этилган.

13. “Инсон қабл аз дунё” (Инсон дунёга келишидан олдин) рисоласи.
14. “Инсон дар дунё” (Инсон ҳаётлик пайтида) рисоласи.
15. “Инсон баъд аз дунё” (Инсон дунёдан ўтганидан сўнг) рисоласи.

Бошида араб тилида ёзилиб, учта алоҳида-алоҳида рисоладан иборат бўлган бу асар кейинчалик форс тилига таржима қилиниб, “Инсон бошланишдан охирга қадар” номли ягона асар шаклида нашр этилган. Бу асарда инсоннинг уч оламдаги (туғилишдан олдин, ҳаётлик пайти ва дунёдан ўтганидан сўнгги) сайри билан боғлиқ масалалар кенг ёритиб берилган. Жумладан, буйруқ ва ақл, буйруқ оламининг қарор топиши, рух ва фаришталар, одамнинг тушиши, умумий хидоят, ўлим ва ажал, барзах (ўлим ва қиёмат куни ўртасидаги муддат), қилинган амалларни умумлаштириш, Исрофил фаришта бурғусининг чалиниши, Тарози ва Сирот кўприги, жазо ва ҳисоб-китоб, шафоат, жаннат ва дўзах каби масалалар баёни мазкур асар мавзусининг асосини ташкил этади.

16. “Рисолайи қувва ва феъл” (Куч ва ҳаракат тўғрисида рисола).
17. “Рисолаэ дар исботи зот” (Зотнинг исботи тўғрисида рисола).
18. “Рисолаэ дар сифот” (Худонинг сифатлари тўғрисида рисола).
19. “Рисолаэ дар афъоли Худо таъоло” (Худонинг феъллари тўғрисида рисола).

Бу китобда Худонинг феъл (хатти-ҳаракат) жиҳатидан ягона эканлиги, тақдирга ишониш, қазо ва қадар (Худо томонидан белгиланган тақдир) ва шу каби масалалар баёни жой олган.

20. “Рисолаэ дар васоит” (Воситалар тўғрисида рисола).

Ушбу китобда Худо ва табиатшунослик фани ўртасидаги мавжуд воситалар ва боғланишлар тўғрисида фикр-мулоҳаза юритилган.

21. “Рисолаэ дар нубувват” (Пайғамбарлик тўғрисида рисола).

Умумий пайғамбарлик ва алоҳида пайғамбарлик турлари ва шунингдек, Муҳаммад (с.а.в.) пайғамбарлиги ушбу китобнинг асосий мавзусини ташкил этади.

22. “Рисолаэ дар вилоят” (Худонинг энг олий хукмдор эканлиги ва бу дунёнинг илохий хукуматдан иборат эканлиги тўғрисида рисола).

23. “Рисолаэ дар муштаққот” (Хосилалар (бирор бир манбадан вужудга келган, яратилган, ҳосил бўлган нарсалар) тўғрисида рисола).
24. “Рисолаэ дар бурхон” (Далил-исботлар тўғрисида рисола).
25. “Рисолаэ дар муғолита” (Паралогизм тўғрисида рисола).
26. “Рисолаэ дар таркиб” (Ўзаро қўшилиш (сингиш) тўғрисида рисола).
27. “Рисолаэ дар таҳлил” (Ўзаро ажралиш (бўлиниш) тўғрида рисола).
28. “Рисолаэ дар эътибориёт” (Мўътабарлик тўғрисида рисола).
29. “Рисолайи Куръон дар ислом” (Исломда Куръон тўғрисида рисола).
30. “Рисолаэ дар хукумати исломий” (Ислом хукумати тўғрисида рисола).
31. “Мухокимот байни ду мукотибот” (Икки ўзаро ёзишма (хат ёзишув, хат алмашув) орасидаги мухокамалар).

Ушбу китобда Аллома Таботабоийнинг Сайид Ахмад Карбалоий ва файласуф Мухаммад Ҳусайн Кампоний ўртасида амалга ошган ўзаро ёзишмалар тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари жой олган.

32. “Таълимоти диний” (Диний таълимот).
33. “Маънавияти ташайю” (Шиа маънавияти).
34. “Рисолаэ дар олами ғайб” (Ғайб олами тўғрисида рисола).
35. “Ваҳий ё шуури мармуз” (Ваҳий, ёхуд сирли шуур).
36. “Пурсиш ва посух” (Саволлар ва жавоблар).
37. “Уржузайи фин-нахв” (Араб тили синтаксиси тўғрисида шеърий рисола).
38. “Уржузайи фис-сарф” (Араб тили морфологияси тўғрисида шеърий рисола).
39. “Уржузайи фил-хатт” (Араб ёзуви тўғрисида шеърий рисола).
40. “Девони шеъри форсий” (Форсча шеърлар девони).
41. “Али ва фалсафайи илоҳий” (Али ва илоҳий фалсафа).
42. “Сунанун-набий” (пайғамбар суннатлари).

**43. “Луббул-лубоб” (Сайланма).**

Бу китобдан Аллома Таботабоийнинг Қум олий мадрасаси устозлари ва олимлари учун ахлоқ (этика) фанига оид мавзуларда ўқиган маъruzалари жой олган.

**44. “Рисолаэ дар тавҳиди зотий” (Зотнинг ягоналиги тўғрисида рисола).**

45. “Рисолаэ дар асмўи Худо таъоло” (Худонинг исмлари тўғрисида рисола).

**46. “Ҳошия бар Асфор” (“Асфор” асарига шарҳлар).<sup>3</sup>**

Аллома Таботабоийнинг сермаҳсул ижодини айрим асарларининг мазмун-моҳиятида қисқача тўхталиб англашимиз мумкин бўлади. Жумладан, аллома “Ал-Мезон” тафсир китобинини ёзиш давомида, бира тўла ушбу тафсир сабоқларидан Қум Олий мадрасаси талабаларига дарс бериб борган. Ушбу тафсир китобининг энг биринчи ва энг устун тамойили оятларни оятлар билан тафсир қилинганлигидир. Яъни, бунда Қуръон Қуръоннинг ўзи билан тафсир қилинади. Зеро, ривоятларга кўра, “иннал-Қуръана юфассару баъзуҳу баъзан”, демакким, Қуръоннинг барча оятлари бир манбадан нозил этилгандирлар. Улар ягона бир калом бўлиб, айрим оятларнинг бошқа бир оятлардан олдинроқ нозил этилганлигининг оядан келиб чиқадиган умумий маънога даҳли йўқ. Шунга кўра, бутун Қуръон ягона бир калом ва ягона бир хитоб ҳукмида бўлиб, ягона мутакаллим томонидан айтилгандир.

Унинг фикрича, Қуръондаги ҳар бир жумла ундаги бошқа жумлалардан нишона ва уларнинг тафсирловчиси бўла олади. Шунга кўра, агар айрим оятларнинг маънолари сирли ва яширин туюлса, уларни ана шу мавзуга оид бошқа оятлар билан солишириш ва уларни биргаликда ўрганиш орқали маънолардаги ушбу сирлилик ва яширинликни очиш мумкин.

Умуман олиб қараганда, Таботабоий ўзининг маънавий меросида илгари сурган ғоялари ўша пайтда Эрон ҳудудида мавжуд ижтимоий жараёнлар билан ҳам узвий боғлиқдир. Мустамлакачиларнинг бу ҳудудда олиб борган сиёсати халқнинг маънавий қадриятларига жиддий хавф соларди, шундай шароитда мутафаккир жараёнларни тўғри баҳолай ола билди. Унинг асарларида диний қадриятлар билан бир қаторда дунёвий-фалсафий фикрлар ва инсоннинг олий қадрият эканлиги борасидаги гуманистик ғоялар ҳам етарлича ўрин олган.

<sup>3</sup> Аллома Таботабоий ҳаёти, фаолияти, таълимоти. (Аликулов X. умумий таҳрири остида). –Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, –2006. –Б.42-44.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Аллома Табатабоий ҳаёти, фаолияти, таълимоти. (Аликулов Ҳ. умумий таҳрири остида). –Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, –2006.
2. أَمْوَزَش فَلْسَفَهُ، اسْتَاد مَصْبَاح يَزْدِي، سازمان تبلیغات اسلامی، سال ۶۸ (omuzeshe falsafe, o'stod Masboh Yazdiy, sozmone tableg'ote eslomiy, sol-e 1348 (h.q.).
3. Алланазаров М. Х., Элбоева Ш. Б. МАНИПУЛЯЦИЯ: ЭФФЕКТ МОЛОДЕЖНОГО ОБРАЗОВАНИЯ КАК ОРУЖИЕ ОБЩЕСТВЕННОЙ КУЛЬТУРЫ //30 лет Конвенции о правах ребенка: современные вызовы и пути решения проблем в сфере защиты прав детей. – 2020. – С. 187-191.
4. Алланазаров М. Х., Тураева С. Х. Философская теология: религия и философия сотрудничают ли друг с другом? //Молодой ученый. – 2016. – №. 6. – С. 955-957.
5. Allanazarov M. K. THE ROLE OF EASTERN AND WESTERN PHILOSOPHY IN POINT OF VIEW ALLAME TABATABAI //Theoretical & Applied Science. – 2019. – №. 9. – C. 147-150.
6. Allanazarov M. K., Mamasaliev M. M. ANALYSIS OF COMPREHENSION METHODS IN THE GNOSEOLOGY OF ALLAME TABATABAI //ИННОВАЦИОННОЕ РАЗВИТИЕ: ПОТЕНЦИАЛ НАУКИ И СОВРЕМЕННОГО ОБРАЗОВАНИЯ. – 2020. – С. 106-109.